



Шу сабабли ҳам ижтимоий ўзгаришлар жараёнининг боришини зудлик билан илғаб оладиган ёшлар сиёсий маданиятини юксалтириш -- мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим шартидир. Бундан Президент Ислам Каримов Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Қолаверса, 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилинишидан мақсад ҳам, хусусан, ёшлар сиёсий мадания-

балки йигит ва қизларда янги сиёсий қадриятларнинг юзага келишига ҳам олиб келди. Жаҳоннинг ўнлаб экспертлари юқори баҳолаган Конституциянинг қабул қилиниши эса ушбу сиёсий қадриятларнинг мустақамлалинига замин тайёрлади. Чунки бундай инсонпарвар Конституция, Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, инсонни энг катта бойлик сифатида алоҳида кўрсатгани ҳолда фуқаро, жамият ва

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

Ёшлар сиёсий маданияти уларнинг ижтимоий тузумга, ҳокимиятга, давлат амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатга муносабатини акс эттиради

ятини юксалтириш билан боғлиқдир. Ҳўш, мамлакатимизда инсонпарвар, демократик жамият барпо этилаётган ҳозирги шароитда йигит ва қизлар сиёсий маданиятини шакллантириш ва уни аянда ривожлантириш учун шарт-шароит мавжудми?

Ҳозирги замон инсоншунослигининг маълумотларига кўра, инсон сиёсий маданияти доимо ҳаракатда бўлган динамик жараён бўлиб, ўз ичига уч асосий жабҳани қамраб олади. Чунончи, инсон сиёсий маданиятининг билдиш жабҳаси сиёсий билимлар, сиёсий тафаккур, сиёсий ахборотлардан хабардорлик, сиёсий онглик каби компонентларни ўзида мужассамлаштириб, баҳолаш жабҳаси сиёсий қайфиятлар, сиёсий қадриятлар, сиёсий нормалардан ташкил топади. Хулқ-атвор жабҳаси эса ижтимоий-сиёсий дастурларга асосан амалга оширилаётган фаолият, ватанпарварлик,

давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни оқилона ҳуқуқий ҳал этишни сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради. Бундай шароитда фаолият кўрсатган йигит ва қизларнинг сиёсий қайфияти балан, сиёсий қадриятлари эса инсонпарвар бўлади.

Шарқона демократия принципларига амал қилина бошлангани йигит ва қизларнинг сиёсий маданиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Ўзбекистон демократияга элгуви ўзига хос йўлни танлади. "Бизнинг мақсадимиз, -- деб ёзади И.Каримов "XXI аср бўсағасида" номли асарига, -- ... бир неча авлод меҳнати билан яратилган нарсаларни йўқотмаслик, уларнинг энг яхшиларини сақлаб қолиш, демократик меъёрларга, миллий манфаатларимизга мос келмайдиганларини қайта ташкил этишдан, мазкур тузилмаларни янги мазмун билан бойитишдан иборатдир".



ДАЛАЛАР ЧОРЛАЙДИ

Ҳадемай она ерлар ниш ура бошлайди. Бағрини ям-яшиллик Кечагина сокилик кур-буркайди. Табиатнинг сўлим келинчиги бахор ўз қўшиқларини куйлаб юртимизга кира-кир келмоқда. Навда-

тўлдирди. Ҳаммаёқда яшариш, янгиланиш, уйғониш...

Шу кунларда далаларга чиққан киши ана шу ҳисларни кўнглидан кечиради. Эл ризқи, она юрт равнақи йўлида меҳнат қилаётган деҳқонларимиз барака уруғи қадаш йўлида баҳорий юмушларни бошлаб юборадилар. Ҳар сафаргидек уларнинг кўнглидаги орзумидлар бир олам, ниятлар бетимсол. Бир кафт тупроқ иси, меҳри уларнинг эзгу мақсадлари амалга оширишда куч-қувват бағишлаётгандай. Баҳор севинчи далаларда, юрт хизматидаги деҳқонларимиз чеҳраларида... Далалар уйғонмоқда, орзуманд кўнглилар қанот ёзмақда...

Ҳозирги ёшлар

МАОШГАКИНА КЎЗ ТИКИШМАЙДИ

Чуст туманидаги Баймоқ қишлоғида аҳолининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади. Уларнинг ҳам бошқа ёшлар сингари ўз муаммолари, ташвишлари, ҳаёт ҳақида интилишлари бор.

Баҳодир билан Моҳира ҳам шу қишлоқда туғилиб, бир мактабда ўқишди. Бир вақтда институтни тамомлашди. Фақат мутахассисликлари бошқа-бошқа. Баҳодир жисмоний тарбия ва спорт куллиётини, Моҳира эса ўзбек филологияси куллиётини тугатдилар.

Тақдирни қарангки, бу икки ёшнинг ҳаёт йўллари бирлаштирди. Икковлари институтни битирши арафасида турмуш қурдилар. Нихоқ тўйларни ўтган ўша кўнлар уларнинг қалбига бир умр унутилмайди. Мана ордан йиллар ўтиб, улар уч нафар

ўғиллик бўлишди. Гап албатта, фарзанднинг сони, уларнинг ўғил ёки қизлиги эмас. Отананинг ўз фарзандларини қандай тарбиялай олишида. Шу маънода ёш оиланинг фарзанд тарбияси билан қизиқдик.

Баҳодир тумандаги тиббиёт билим юртида ёшларга жисмоний тарбия ва спортдан, Моҳира эса 35-мактабда ўзбек тили ва адабиётидан сабоқ берапти. Бирининг вазифаси ёшларни жисмоний бақувват қилиб тарбиялаш, иккинчисиники эса маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш. Ана шу масъулият уларнинг фарзандлари тарбиясига ҳам ўз таъсирини ўтказипти.

-- Икковимиз ҳам ойлик маош олиб ишлаймиз. Шунга қаноат қилиб яшаш ҳам мумкин. Лекин, орзу-ҳавасини рўёбга чиқариш учун бунинг ўзи етарли

эмас, -- дейди Баҳодир. -- Шунинг учун фақат ойлик-ка кўз тикиб ўтирмай, томорқада деҳқончилик ҳам қиламиз. Сабаби, пийёз, картошка уни етиштирамиз. Анор кўчатларимиз бор. Ўғилларим катта бўлишяпти. Вақти келиб уларга уй-жой қилиб бериш керак. Шунинг учун яхши ният билан 50-60 туп терак ўтқаздим. Йилдан-йилга теракларим буй чўзиб борапти.

-- Бунинг фарзандлар тарбиясига ҳам таъсири катта, -- дейди Моҳира турмуш ўртоғининг фикрларини тасдиқлаб. -- Ўғилларим далаларнинг ёнларига қириб, экинлари парвариш қилишга, ситгирларни боқишга ёрдам қилишди. Энг муҳими, яхши яшаш учун меҳнат қилиш зарурлигини ҳис қилишяпти. Келажақда ҳалол меҳнат қилиб яшашга оdatлансалар бу бизнинг

бахтимиз. Ҳа, дарҳақиқат, ҳаммамиз фарзандларимиз қомил инсонлар бўлиб воля етишларини орзу қиламиз. Лекин, бунга эришиш ҳар қимта ҳам насиб этавермайди. Баҳодир ва Моҳиралар ёш оила бўлишларига қарамай, фарзанд тарбиясида тўғри йўлни танлаб олганларидан беҳад мамнунмиз.

Зероки, қишлоқда яшаётган барча ёшлар ҳам фарзанд тарбиясида ота-болаларимиздан мерос бўлиб қолган меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ҳунар эгаллаш сингари фиғилларини улар онгига синдирилди, кўникмалар ҳосил қилсалар, келгусида албатта фаровонликнинг бу омиллари ўз самарасини беришига шак-шубҳа йўқ.

Комилжон ФАЙЗИЕВ, Наманган вилояти

1

4

миллатпарварлик, байналмилаллик каби компонентларни қамраб олади.

Ёшлар сиёсий маданиятининг энг барқарор компоненти -- сиёсий билимлардир. Сиёсий билимлар -- ҳокимият ва тузум, ижтимоий жараёнларни боқаришнинг асосини ташкил этувчи гоилар ва қарашлар, меъёрлар ва принциплар йиғиндисидир. Сиёсий билимлар ижтимоий амалиётга тадбиқ этилганлиги асосини таъминловчи ва мазмунини чуқур тушуниб етади. Худди шу сабабдан ҳам сиёсий билимларни шакллантиришда сиёсий партияларнинг аҳамияти беқийсдир. Чунки сиёсий партиялар турли ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ва амалга ошириш билан бир қаторда ёшларда турли сиёсий билимларнинг шаклланиши учун замин яратаяди, уларнинг жамият сиёсий фаолиятига иштирокини таъминлаб, мазкур билимларнинг моҳиятини чуқурроқ англаб етишларига имкон беради. Мамлакатимизда 18 ёшдан ошган йигит ва қиз сайлаш, 25 ёшдан сўнг сайланиш ҳуқуқига эгаллигини инобатга олак, бундай имконият ёшларнинг ниҳоятда катта қисмини қамраб олишига амин бўлаемиз.

Демократия дарслари

Эркинлик -- бу танлаш имкониятининг мавжудлигидир. Яккапартиявий сиёсий тизим ҳукм сурган мамлакатларда сиёсий фаолият кўрсатаётган ёшлар кўрсатмоқчи бўлган ёшлар бундай имкониятдан маҳрумдилар. Совет ҳокимияти йилларида биз бунинг гувоҳи бўлдик. Зеро, фақат кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизим шароитидагина йигит ва қизлар сиёсий билимларини ошириш, уларни ўз ихтиёрлари, хоҳиш-ироддаларига мос тарзда турмушда қўллаш имконига эга бўладилар. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ана шундай имкониятни юзага келтирди. Мустақилликдан сўнг Ҳалқ Демократик Партиясининг таъсис этилиши, 1992 йилда "Ватан тараққийети" партиясининг рўйхатга олиниши, 1995 йилда эса "Адолат" социал-демократик партияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда "Халқ бирлиги" ҳаракатининг вужудга келиши ёшлар сиёсий маданиятини юксалтириш учун пойдевор яратди. Дарвоқе, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 4 парти-

Бундай юксак умуминсоний мақсадга интилиш жараёнида инсоният босиб ўтган тарихий тараққиёт давомида тулланган барча сиёсий тажрибаларни авлодлардан авлодларга етказиш имкони сақланади, бу эса ёшлар сиёсий онг ва фаолияти бирлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлар сиёсий маданиятининг хулқ-атвор жабҳасида ватанпарварлик алоҳида ўринга эга. Чунки ватанпарварлик -- шахснинг ўз юрти, миллати манфаатларини ва мақсадларини қабул қилганлиги даражасини кўрсатувчи мезондир. Кўриниб турибдики, инсон манфаатлари улугланган мамлакатларга фуқароларда ватанпарварлик туйғуси юксак бўлади.

Мустақиллик ватанпарварлик туйғусининг шаклланиши учун реал шарт-шароит яратди. Чинакам ватанпарварлик туйғусининг узлуксиз ривожланиб бораётганини ЎзФА мухбир аъзоси А.Валиев ва профессор А.Чориевлар раҳбарлигида 1996 йилда Қашқадарёда ўтказилган социологик тадқиқотлар ҳам тасдиқлади. Хусусан, "Ватанпарварлик туйғуси ҳамма тенгдошларингизда ҳам юксак даражада шаклланганми?" -- деган саволга 250 кишининг 16 нафари "ҳа, ҳаммасида", 69 нафари "кўпчилигида", 37 нафари эса "ярмидан кўпрогида" деб жавоб беришди.

Йигит ва қизлар сиёсий маданиятининг муҳим таркибий компонентларидан яна бири -- миллатпарварликдир. Мустақиллик миллийликнинг тикланишига, миллий гуруҳнинг уюшга олиб келгани илмий ва публицистик адабиётларда бир неча бор исботлаб берилган. Ёшларимиз миллатимиз моддий ва маънавий мероси, манфаатлари ва қадриятларини йил сайин чуқур англаб етмоқдалар. Социологик тадқиқотлар натижаларига мурожаат қилсак, "Миллий-маданий меросимиз, халқимиз қадриятларини тенгдошларингиз яхши англайдиларми?" -- деган саволга 250 жавоб берувчининг 19 нафари "ҳа", 103 нафари "кўпчилиги", 35 нафари эса "ярмидан кўпроги", дейишди. Жавоблар бугунги йигит ва қизларимизда миллатпарварлик туйғуси ривожланиб бораётганидан далolat беради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, республикада миллийликни ривожлантириш билан бир қаторда бай-

ЯНГИ РИСОЛА

Таниқли ҳуқуқшунос ва истеъдодли ёзувчи Файзулла Қиличевнинг "Шарқ" нашриёт-маъбаа концернида чоп этилган "Замон ва макон таҳлили" рисоласи Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон XVI аср бўсағасида: хавфизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли асари таҳлилига бағишланган.

Йулбошимизнинг бу асари мустақил Ўзбекистон тараққиёти стратегиясининг фалсафасидир ва шарқона интеллектуал анъанага ҳамроҳланган. Унда кўхна тарих сабоқлари, ҳозирги кун таҳлили ва буюк келажақни белгилашга қаратилган фикр ва гоилар ўз аксини топган. Асарда келажақ буюк Ўзбекистоннинг тараққиёт истиқболлари белгилаб берилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, профессор Акмал Саидов ушбу рисолага ёзган сўзбошимизда қуйидагиларни таъкидлайди: "Ф.Қиличев Йулбошимиз асарини даврий эмас, балки халқимиз, юртимизнинг бугунги ва келажақи учун қайғурдиган, юқори сиёсий идрок ва маънавий жасорат асари эканлигини чуқур ҳис қилади ва ўз қарашларида муҳим ҳисоблаган тарафларини ўқишда тарзда қаламга олади".

"Замон ва макон таҳлили" рисоласи кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган. Унда илмий тадқиқотчилар, ҳуқуқ, сиёшшунослик фани ўқитувчилари, ўқувчи ва талабалар фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, ўшбу китобни сиёсий ҳуқуқ шарҳловчилари, нотикларига омма ўртасида ўтказиладиган маърузаларда қўллаш тавсия этилади.

Шу соғна хабар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1998 йил 23 февралда "Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустақамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармо-

Самарқанд вилоятидаги ҳарбий бўлинмаларда бўлиб. Улар аскарларнинг яшаш шароитлари, маиший хизмат, спорт-соғломлаштириш, ижтимоий-сиёсий ўқув хоналари шароити билан танишишди. Бир пилла чой устида давра суҳбати ўтказилди. Аскарларнинг тушлик дастурхонига Ўзбек миллий таоми -- ош тортилди.

Ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаётган аскарларга "Камолот" жамғармасининг эсадик соғалари ва фарҳий ёрликлари топширилди. Урашув сўнгиде Қарши шаҳар маданият бўлими қошилиги "Тарона" ашула ва рақс гуруҳи ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз

АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА

ЎҚИШТА МАРҲАМАТ!!! ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАР ТЕХНИКУМИ (ТАЙТ) ТўЛОВЛИ Кундузги ва кечки тайёрлов курсларига таклиф этади.

Ўқиш мuddати 2 ой (май, июнь), шунингдек 1998 йилнинг сентябрь ойдан ҳунар ўргатиш курслари (6 ой ва бир йиллик) ўз фаолиятини бошлайди. Дарслар ўзбек ва рус тилларида тест услубида узлуксиз назорат билан олиб борилади ва муҳтожлар ётоқхона билан таъминланади. Тайёрлов курсларига умумтаълим мактабларини тамомлаган ёшлар ва 9-11 синфда ўқиётган ўқувчилар қабул қилинади. Ҳужжатлар 10 мартдан бошлаб ҳар куни соат 9-18 гача техникумнинг 31 (3-қавати) хонасида қабул қилинади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ, БАЙНАЛМИНАЛ КУЧАСИ, 53 А-ҲЙ. ТЕЛЕФОНЛАР: 78-23-34, 78-49-39 МўЛЖАА: ЧИЛОНЗОР ОҚ-ТЕПАСИ.

янинг 491 мингдан ортиқ аъзосининг салмоқли қисми ҳам айнан ёшлардир.

Сиёсий маданиятининг шаклланишида сиёсий ахборотлардан хабардорликни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ролини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Газета, радио ва телевидение фаолияти қанчалик самарали бўлса, ёшларнинг сиёсий ахборотлардан хабардорлиги кўламини шунчалик катта бўлади. Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари тубдан ўзгартирилди, улар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Хусусан, XIX аср охири ва XX аср бошларида "Туркистон вилоятининг газети", "Ойна" журналы каби ўнлаб газета ва журналлар бошлаб берган, кейинчалик узилиб қолган маъбуотиимиз анъаналари қайта тикланди. Оммавий ахборот воситаларининг миқдорий таркиби ҳам ўзгарди. Масалан, 1975 йилда Ўзбекистонда 257 номда газета чоп этилган бўлса, 1996 йилга келиб уларнинг сони 416 тага етди. Газета ва журналларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун мустақам ҳуқуқий замин яратилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида: "Оммавий ахборот воситалари эркинлик ва қонунга мувофиқ ишлайди... Цензурага йўл қўйилмайди", -- дейилади.

Газета ва журналлар нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам ўзгариб бормоқда. Эндликда оммавий ахборот воситалари жамиятимизда мавжуд бўлган турли ижтимоий гуруҳларнинг иродасини ифодаламоқдалар. Бундай жиҳдий ўзгариш фикрлар хилма-хиллигини юзага келтирди. Шунингдек, кунлик радиоэшиттиришлар ҳажмининг қарийб 72 соатга етиши, Ўзбекистон телевидениесининг 5 каналда ишлаб бошланиши мамлакатимиз ёшларининг сиёсий ахборотлардан хабардорлигини ошириш учун реал шарт-шароит яратди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши ёшларнинг сиёсий қадриятларини ҳам ўзгартирди. Хусусан, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Давлат рамзи, Давлат мадҳиясининг тасдиқланиши нафақат миллий гуруҳнинг ошишига,

3

6

Назар ҲАКИМОВ, Қарши Давлат университети ректори, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Санжар ЧОРИЕВ, фалсафа фанлари номзоди



Мушоҳада

ГУЗАЛЛИК ЖОЗИБАСИ

Яқинда тахририятимизга ТошДУ профессори Хамидулла Асбаров келиб келди ва салом-алиқдан сўнг "Туркистон" саҳифасида "Гузалик ҳақида давра суҳбати қиласан..." деган мақолани билдириш...

ИНТИЛИШ

Шарифа МАДРАҲИМОВА, III-курс талабаси:

Укамнинг гузаллиги ҳақидаги тушунчани уйлашимча, мейнинг тушунчадан тиракдор. У биринчи синфда ўқиётганда дарсларга қатнамай қўйди. Аямнинг алдаб-сулдаб, эркаллашларидан сўнг нима учун дарсга бормаётганини айтиди...

ПОКЛИК РАМЗИ

Норали ОЧИЛОВ, IV-курс талабаси:

Келинг, сўзинг маъносига эътибор берайлик. "Зиёли" сўзининг ўзи зиё, яъни нур. Зиёли -- бу нурли демакди. Хўш, нурнинг ўзи нима? Нур бу зулумотнинг зидди, тескариши.



У АСЛИДА НИМА?

Гулчехра ЖАМИЛОВА, Актриса:

Бу саволни сеvimли артистимиз Гулчехра Жамиловага берган эдик, дарҳол жавоб олди: "Узгаларнинг маънавий оламида, руҳиятида гузаллиқни кўра олишининг ўзи гузалликдир. Абдулла Қодирийнинг уста Олими Отабек қалбидеги гузаллиқни кўра олади. Отабек яширса ҳам сезади, ҳис этиб туради. Хасаналининг гузаллиги -- садақатини, меҳрини фақат унинг яқинлари эмас, эндигина танишган марғилолиликлар ҳам сезадилар ва Отабекдан у ҳақда сўрай бошлайдилар..."

У МУСАВВИР НИГОҲИДА

Ортиққали ҚОЗОҚОВ, рассом:

Гузалиқнинг чегараси йўқ, у нисбий бўлади. Турган бир буюм гузал бўлмалиги мумкин, аммо уни бошқа томондан қараганда гузаллигини кўриши мумкин. Гулдаги тиканда ҳам гузаллик бор. Кўз гузаллиги -- бу сунъий гузалликдир. Онг гузаллиги эса табиий гузаллик саналади. Бачканадик ва гузаллиқнинг ораси бир ҳадам. Санъаткор гузаллиқни биринчи бўлиб кашф этади. Рассом ҳамма кўрган ва билган гузаллиқни эмас, томошбин кўрولмаган гузаллиқни илғай олиши, бошқалар учун олдидан бўлган нарсанинг тескари жиҳатларини очмоғи лозим.

"КЕЛАЖАКНИ ЯРАТАДИ"

Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар кўмитасининг раиси Гулстон АННАКИЛИЧЕВА:

Гузалиқ дунёси бу маънавий дунё. Мейнинг назаримда "Онанинг гузаллиги бир оилда унинг аёл-фаросати, уй гушти, фарзандаларга муносабати, уларни қомил инсон этиб тарбиялаш ва умуман, барча саяй-ҳаракатлари, отанинг гузаллиги эса энг аввало ақли, мардлиги, матонатини, сабр-бардошлилигини, қийинчиликлар олдига ўзини йўқотмаслигини, фарзандларига меҳри, муҳаббатини билан ибрат бўлишидир. Мана шу олдидан гузаллик келажакни яратади. Тарбия бераётган фарзандимизда биз маънавиятини, имону эътиқодини, ҳаётга бўлган ишончини, катталарга ҳурматини, кичикларга ихласини, умуман, инсонларга бўлган меҳр-салокатни шакллантира олсак, бу гузаллиқнинг жуда катта кўриниши бўлади. Аждодларнинг барча бизга қолдирган меросини келажакка олиб боришга ва узоқ-узоқ мангуликларга тўлалигича етказишимиз ҳам гузаллиқнинг бир бўлаги ҳисобланади.

Тўлабберган ҚАЙИПБЕРГЕНОВ, халқ ёзувчиси:

У жуда кенг тушунча. Гузаллик деганда одамнинг кўз олдига барча чиройли нарсалар келади. Инсоннинг сиртқи гузаллиги, ички гузаллиги, қийинчилик курамлиги, одамнинг юриш-туриш маданияти, кўпчиликнинг олдига ўзини тўтиши -- бу гузалликдир. Динларнинг пайдо бўлиши инсоннинг маълум бир йўналишда, маълум бир даражада тарбиялашга муҳит гузаллигини сифатига тасвир этган. Биз бунга қанча эътибор берсак, ишимиз ҳам, юриш-туришимиз ҳам яхшиланади. Гузаллик фақат ташқи гузалликдан иборат эмас. Ватан учун, эл-юрт учун, халқ учун, унинг шон-шавкатини учун яшашининг ҳам ўз гузаллиги бор.

Кўпчилик ёшлар гузаллиқни сиртини чирой деб тушунади. Одамлар орасида ораста қийинчилик, яхши юриш, ёмон сўзларни айтмаслик, бу яхши. Лекин айрим инсонлар бор, сирти гузал, аммо ички дунёси бошқача. Демократик, сиртқи гузаллик ички гузалликка ҳаминча мос келавермайди.

Ойгул ПИРНАЗАРОВА, Савиқий номидаги Қорақалпоқ Давлат музейи, санъат-хўнрармандчилик бўлимининг бошлиғи:

Дунёда таърифланган сўз емайган гузаллик тўғрисида ҳар ким ўз тушунчасига эга. Мен гузаллик деганда ташқи гузаллигига одобу иқроми, одамгарчилиги мос тушган

Комилликка интилиш эса қичкина жараён эмас. Баъзида инсон умри давомида ўқиб-ўрганиб ҳам қомил инсон бўлмалиги мумкин. Хўш, нега? Чунки унда амал йўқ, ишда ҳосилат йўқ, Орифлар дейдиларки, дунёда иш кўп, лекин сиз уларнинг энг фойдалисини, сарасини ўргангинг ва унга амал қилдингиз.

Дарҳақиқат, илм -- ўзини билмакдир. Ўзини билган эса зиёддир. Ҳақиқий зиёднинг ботини гузал бўлади. Негаки, нур -- бу гузаллик. Гузаллик покзаллик дегани. Оллоҳ эса пок қалбларга ўз нурини, зиёсини бағишлайди. Ана шу нур, моҳият ва гузаллик шарофатидан инсон чинакам зиёли бўлади.

НИСБИЙ ТУШУНЧА

Усмоножон ЙҮЛДОШЕВ,

ТошДУ журналистика факультети III-курс талабаси:

Мен гузалликка муносабатни дид билан уйғулаштиришни хоҳлардим. Чунки дунёда бир-бирига ўхшаш одамлар бўлмаганидек, уларнинг диди ҳам турличадир. Кимнидир бирор буюк расом яратган нодир асар дол қолдирса, бошқа бирор чиройли тебраниб турган ноҳил ниҳолдан завқланади. Кимдир дархат шохидан сарғайган япроқнинг кузак шамолга буйин эгмасдан қилпиратган ҳолатини шеърта солса, яна кимдир илк баҳорда анҳор бўйидаги ялғиз ҳидилан тўйиб-тўйиб хиллайди. Лекин, менимча, шундай гузаллик намуналари мавжудки, улардан кўпчилик роҳатланади.

Ҳадиси шарифда айтилганидек: "Тангри гузалдир ва у гузаллиқни хўш кўради". Шунинг учун ул Олий зот табиатдаги барча нарсаларни ўз ўрнида яратди. У яратган нарсалар барчани хайратга солиб келмоқда. Кўшининг ҳар қуни бир вақтда Шарқдан чиқиб, Фарба ботишини, Ой, Кўлдуз, сайёраларнинг жойлашини, Ернинг тўзлишини олинг, барчаси тан берарлик гузал.

ТАХРИРИЯТДАН:

Қадрли муштарий! Агар сезсан бўлсангиз, гузаллиқни ҳар ким ўзича талқин этапти. Биз ҳам бу ҳақда Сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билишни истар эдик. Шундай экан, мақбуларингизни кутиб қоламиз.

БЕЛАШУВЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

НАМАНГАН. Ушбу турнир бўйича ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда Наманган вилоят ҳокимлигининг спортнинг волейбол, баскетбол бўйича "Камолот кубоги" мусобақаларини ўтказиш юзасидан ташкилий кўмита йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Иброҳимжон Юсупов мусобақаларни юқори савияда ўтказиш юзасидан шаҳар, туман ҳокимликларига ва жамғарма бўлиmlарига тегишли тавсияларни берди. Республика "Камолот" жамғармаси вилоят бўлими раиси Иқромжон Шарофуддин мусобақаларни ўтказишга доир масалалар бўйича тегишли

ташкilotлар-вазифалари ҳақида ахборот берди. Шу кунларда мусобақаларнинг дас-тлаб ки-босқич-лари мек-боги" мусобақалари қизгин бормоқда. Мазкур мусобақаларни юқори савияда ўтказиш мақсадида вилоят ҳокимлиги махсус қарор қабул қилиб, жойларда маъсул ҳодимлар тайинланган. Шу кунларда I-босқич ишлари туманлардаги мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлири ҳамда олий-оҳларда ниҳоясига етиб қолди. Шунга ҳам айтиб ўтиш керакки, мусобақа катнашчилари ким голиб бўлишидан қатъий назар, энг асосийи спорт-- саломатлик гарови эканини яхши билдилар. Шу сабабидан бўлса керак ўтказилаётган мусобақалар уйини иштирокчилари учун ҳам, қолаверса томошабинлар учун ҳам гоятда қизиқарли бўлмоқда.

"КАМОЛОТ КУБОГИ" СОВРИНИ УЧУН

таб, маълум қ а м д а қишлоқларда ўтказилмоқда. Қ.ВОРИСОВ.

ХОРАЗМ. Барча жойда бўлгани каби Хоразм воҳасида ҳам "Камолот ку-

жамғармаси биносида бир гуруҳ ёш спортчилар мураббий ва спорт шарҳловчилар ўртасида ажойиб учрашув кечаси бўлиб ўтди. Кечадан ўтган йилнинг энг яхши спортчиси, мураббийси ҳамда энг яхши спорт шарҳловчиси деб топилган голибларга вилоят "Камолот" жамғармаси ва ҳомий ташкilotлар томонидан фахрий ёрликлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Турли ноз-неъматлар билан безатилган дастурхонга санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқлари, жоибали рақслари янада фойз қиритди. Кеча барчада чуқур таассурот қолдириди.

Яқинда вилоят "Камолот"

Қодиржон МУЛЛАЕВ

Спорт

ТОРМОТМАРАМИЗ

ТОҚУТИ

Россияда Европа ва Осиёдаги етти мамлакат ёш боксчилари иштирок этган халқаро мусобақа якунланди.

Навоийлик Фарҳод Жуманазаров ва бухоролик Жамол Иброҳимов ёш бўлишига қарамасдан, бу мусобақада кумуш медални қўлга киритишди. Энди уларни Қозогистон ва Венгрияда бўладиган халқаро мусобақалар кутади.

БОЖ СОВРИҚ -- САНАТКОРЛАРНИНГ

Наманганда ўтказилган Ўзбекистоннинг дзо-до бўйича Биринчи ўсирилар ўртасидаги йиллари доирасида республикамизнинг барча вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри спортчилари иштирок этди. Унда самарқандликлар голиб бўлди. Тошкент вилояти дзодочилари иккинчи, қашқадарлик спортчилари учинчи ўринни эгаллади.

ЎЗА

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ

МУСОБАҚАЛАШМОҚДА

Андихон вилояти соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда вилоят тиббиёт ходимлари касса уюшмалари кўмитаси ташаббуси билан вилоятдаги тиббиёт муассасалари меҳнат жамоалари ўртасида Ойла йили ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллигига бағишланган кўрик-танлов бошланди.

Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилади. Голиб бўлган тиббиёт муассасаси жамоаси «Тез ёрдамга» айлантирилган «Дамас» микроавтобуси, шунингдек, кўрик-танлов ташкilotчилари ва ҳомийларининг қимматбаҳо совғаларини қўлга киритади.

К.НИЗОМОВ, ЎЗА муҳбири.

ЧЕХРАСИДА БАҲОР КУЛГАН



Абдумутал акани маҳалладагилар шундай дейишади. Ҳақиқатан разм солиб қарангиз, у кишининг чеҳрасида ҳаминча самимият тўла очкилик, ёқимли табассумни кўрасиз. Унг қўли кўксига, катта-ю кичик билан илқ саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраганда дилнингз яйраб кетади...

Абдумутал ака болалик давлари кечган, сўнг радиочилар уйига дастлаб ишга келган йиллари ҳақида сўзларди.

Урта мактабни битирганимдан сўнг ўзим қизиққан радиотехника бўйича ўқишга кирганим, -- дейди Абдумутал ака. -- Ўқишни битирганимдан сўнг мен Ўзбекистон радиои лабораториясига келдим. Радиочилар уйда дастлаб механик, ускулларни созловчи бўлиб ишладим. Маҳоратини йилдан-йилга ошиб борди. Муҳандис бўлиб етишдим. Шунга ҳам 32 йил бўлибди.

32 йил... Бу йиллар учун тимимсиз меҳнатлар,

синовлар йили бўлди. Ўша кезларда сочлари тим қора бўлган йилнинг бугун чеҳрасида мураббийлик нигоҳи, сочлари мушаранг... дастлабки ишга келган кезлари устозлари Қўқор Умаров ва Маҳмуд Муҳиддиновдан муҳандислик касбини эгаллаган уста бугун ўзи ёшлар мураббийси. Радио уйдаги нимаки қўрилмалар, магнитфонлар, ҳаво тўқинларига эшиттиришлари йўловчи ускуллар борки, у кишининг назоратида. Бари қўли гул устанинг сеҳри бармоқлари тўфайли нуқсонсиз ишлаб келмоқда.

Абдумутал ака, ҳозирги ёшларга ҳам радио техникани эгаллашни маслаҳат берган бўлармидингиз?

-- Давримиз улкан компьютерлар, ривожланган радиотехника даври, -- деди уста мийғида кулиб. Бу соҳада ишлаш ё ишламасликдан қатъий назар уни пухта билган киши зарар қилмайди. Илм қатори ҳунар йилит кишининг абадий ҳамроҳи бўлишини истардим.

Ҳалол меҳнат билан умр кеңириб келаятган уста оиласи

ҳам ҳар жиҳатдан ибратли. Унинг етмиш олти ёшли онахонлари Сабоҳат ая 9 фарзанди билан иззат-иқром кўриб яшамоқда. Абдумутал аканинг умр йўлдоши Гулчехра Юсупова ўқитувчи. Эр-хотин уч қиз, икки ўғилни воёта етказишди. Бир келин туширишди. Тўрт неварали бўлишди. Узининг элигинчи баҳорини кутиб олаётган уста Абдумутал Юсуповнинг бугунги кунда унлаб шогирдлари бор. Улар -- Шожиржон Йўлдошев, Илҳом Раҳимов, Равшан Ёқубов, Зафар Фойлов... Уста қўлида таълим олаётган бу ёшлар замонавий радиотехникани пухта эгаллаб олишаётир.

Н. ҒАФФОРОВ

Суратда: уста Абдумутал Юсупов шогирди Шожиржон Йўлдошев билан.

Сураткаш: А.ГЕРАСИМОВ

Божхона бекаши

бўлади: олдидан келувчи ва юртимиздан чиқаётган савдо "карвон"ларининг кети узилмади. Юртимиздан ноқонуний равишда ноёб буюмлар ва чет эл валютасини олиб чиқишга уринувчи баъзи олди кимсаларнинг "сафар"и кўпинча шу жойда якун топади. Яқинда "Тошкент-Бухо-

ниҳоятда усталик билан ҳойлаб, устидан олдлагидек патак елимланган экан. Ҳар қанча "топқирлик" қилинса-да, барибир қинғир ишининг қийини емон-да. Мана энди нима бўлади? "Эрон сафари"ку, кечктирилди, лекин ўша 4500 доллардан ташқари

ДОЛЛАР ОЁҚ ОСТИДА

ро-Олот-Эрон" йўналиши бўйича кетаётган автоулов тўхтатилиб, ундаги йўловчилар олдлагидек божхона баённомасини тўлдиршига тўттиндилар. Тошкентлик фуқаро Ҳабиба Акбарова баённомада 5000 АҚШ доллари олиб кетаётганлиги қайд этилиб, йўлда давом этишни мўлжаллаётган эди. Лекин унинг нотабий ҳатти-ҳаракати божхона ҳодимларида шубҳа уйғотди. Божхона назорати қайта ўтказилганда онахоннинг этиклари унга хос махфий "сейф"га айлантирилганлиги маълум бўлди. Тағарм орасига баённомада ёзилмаган 4500 АҚШ долларини

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

Чилонзор туманидаги "Сирод" ҳуусуий фирмаси тугатилади. Давволар бир ой мобайнида қабул қилинади.



ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА АСОСАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ МАРТ ОЙИДА "ҲАРАКАТЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ" ЎТКАЗИЛАДИ. УНДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ! УШБУ ТАДБИР СИЗИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, НОХУШ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ЎТКАЗИЛАЯТИ. АЙНИҚСА, ФАРЗАНДАРНИГИЗНИ, КЕЛАЖАГИМИЗ БЎЛГАН ЁШЛАРНИ БУНДАЙ НОХУШ ҲОДИСАЛАРДАН АСРАШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК. ЗЕРО, БУ БИЗНИНГ ЧИН ИНСОНИК БУРЧИМИЗ ХАМДИР. ЙЎЛ ТАСОДИФЛАРГА ТўЛА. ОЁҚ ОСТИ-

ДАГИ ФАЛОКАТНИ БОСМАЙ, НОХУШ ҲОДИСАЛАРДАН ҲОЛИ БўЛАЙ ДЕСАНГИЗ, ҲУШЁРЛИК ВА СЕРГАКЛИКНИ УНУТМАНГ. ОДДИЙ ЭЪТИБОРСИЗЛИКНИНГ ОФИР ОҚИБАТЛАРИГА КУНИНГИЗ ҚОЛМАСИН.

ЎЗАГАЛАРНИНГ ҲАМ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА, УЛАРНИ НОХУШ ҲОДИСАЛАРДАН АСРАШГА БАҲОЛИ ҚУДРАТ ҲИССАНГИЗНИ ҚўШИНГ. БУ ЭНГ ЭЗГУ, ҲАЙРЛИ ИШЛАРДАН БИРИ ЭКАНИНИ УНУТМАНГ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ АЙТГАНИДЕК, "САВОБ ИШНИ ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК, САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ ҚИЛИШИ КЕРАК".

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ НАЗОРАТИ БОШҚАРМАСИ

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Лайло КАРИМОВА

ТАХРИРИЯТ: Кабулхона - 136-58-58, 133-95-97; ҳатти-булими - 136-54-64; тижорат бўлими - 133-79-69; ижодкор ёшлар бўлими - 136-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими - 136-58-93, котибият - 136-58-48.

МАНЗАТИМИЗ: 701003 Тошкент Мабғулазар кўчаси, 32-уй. Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ